



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ституту

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институту ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov</b> Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
<b>Нилуфар Абдуазизовна Рахимова</b> Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
<b>Ирода Аминжоновна Умурзакова</b> Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев</b> Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Азимжон Фаррухович Мустафоев</b> Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
<b>Azamat Abdiraximovich Eshonqulov</b> Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
<b>Maуram Xamidovna Xalimova</b> Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
<b>Заррух Умарович Мухаммадиев</b> Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
<b>Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova</b> Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
<b>Iroda Boykobilova</b> Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
<b>Тоҳир Толмас ўғли Сатторов</b> Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Дилобар Караматовна Гафурова</b> Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
<b>Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova</b> O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
<b>Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

# ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Дилобар Караматовна Гафурова – СамЙСИ мустақил тадқиқотчиси

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** Мақолада олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар келтирилиб, ушбу кўрсаткичлар асосида сўровнома ўтказилган. Сўровнома натижалари асосида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, модернизация, таълим сифати, рақобатбардошлик, рақобатбардошлик кўрсаткичлари, халқаро грантлар, патент.

**Кириш.** Ўзбекистонда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида “Олий таълим соҳасида ДХШни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат ОТМлари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий ОТМлари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш”<sup>1</sup> устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда олий таълим муассасаларида сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, олий ўқув юртларининг инфратузилмасини янада яхшилаш, соҳага инновацион технологияларни жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали, уларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш мамлакат олий таълим тизимининг устувор вазифаларидан ҳисобланиб, уларнинг самарали амалга оширилиши мазкур муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларини тақозо этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини ошириш мавзусида сўнгги йилларда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан, профессор М.Қ.Пардаев раҳбарлигида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, ҳамда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш орқали мустаҳкамлаш йўналишлари бўйича кенг илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган<sup>2</sup>. Ш.А.Кулдашев ўз тадқиқот ишида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишда - олий таълим рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни баҳолаш, таснифлаш, илмий тажриба ва илмий лойиҳалар натижаларини тижоратлаштириш, иқтисодий-ижтимоий муаммолар ечимига йўналтирилган таълим дастурини амалга ошириш орқали билимлар трансфери платформаси асосида илмий-таълим кластерини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаган<sup>3</sup>. Бундан ташқари олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини ошириш орқали мустаҳкамлаш бўйича С.А.Бабаназарова<sup>4</sup>, А.А.Хамидова<sup>5</sup> ва Х.Н.Очиловлар<sup>1</sup>нинг тадқиқотлари ҳам диққатга сазовор.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони\\lex.uz

<sup>2</sup> Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи», 2020. – 260 б.

<sup>3</sup> Kuldashv Sh.A. Ta'lim xizmatlari bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya avtoreferati. – Samarqand – 2023, 59 b.

<sup>4</sup> Бабаназарова С.А. Таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2022, 61 б.

<sup>5</sup> Хамидова А.А. Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2022, 61 б.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада тўпланган маълумотлар турли хил статистик моделлар ва интерфаол таҳлиллар асосида баҳоланди. Тадқиқот жараёнида мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилди ва фокус-группалар ташкил этилди. Шунга кўра, таълим хизматлари самарадорлигини оширишда турли фикрларни инобатга олиш учун комплекс ёндашув қўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар тизими турли мезонлар ва омилларни ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичлар тизими таълим муассасасининг маҳаллий ва халқаро бозордаги ўрнини белгилашга, талабаларни жалб қилиш ва самарали фаолият кўрсатиш имкониятларини баҳоласига хизмат қилади. Олий таълим муассасаларининг рақобатбардошлиги жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш ва миллий иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшишда муҳим омил ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун рақобатбардошликнинг турли кўрсаткичлари ва уларнинг таркибий қисмлари чуқур таҳлил қилинишини талаб этади. Қуйида асосий кўрсаткичлар тизимига кирадиган муҳим элементлар келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигига оид асосий кўрсаткичлар ва уларнинг таркибий қисмлари**

№	Рақобат кўрсаткичлари	Кўрсаткичлар таркиби
1	Академик кўрсаткичлар	Таълим сифати (ўқув дастурларининг замонавийлиги, ўқитувчиларнинг малакаси), илмий тадқиқотлар натижалари (илмий нашрлар сони, халқаро конференцияларда иштироки, патентлар), академик ҳамкорлик (халқаро ҳамкорлик ва талабалар алмашинуви дастурлари) .
2	Талабалар билан боғлиқ кўрсаткичлар	Қабул жараёнидаги рақобат (талабалар сони ва ўртача тест натижалари), талабаларнинг битирувдан кейинги бандлиги (мутахассисликка мос иш билан таъминланиш кўрсаткичлари), талабалар қониқиш даражаси (сўровномалар ва фикрлар асосида).
3	Молиявий кўрсаткичлар	Таълим муассасасининг молиявий барқарорлиги (даромад манбалари диверсификацияси), қўшимча хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлар (тренинглар, сертификат дастурлари, консалтинг хизматлари).
4	Репутацион кўрсаткичлар	Миллий ва халқаро рейтинглардаги ўрин, таълим муассасасининг бренд сифатидаги қиймати, битирувчиларнинг муваффақияти билан боғлиқ кўрсаткичлар.
5	Илғор технологиялардан фойдаланиш	Таълим жараёнида замонавий технологиялар ва электрон платформаларни жорий этиш, талабалар учун онлайн таълим имкониятларини яратиш ҳолати.
6	Инфратузилма ва шароитлар	Кампус шароити (талабалар турар-жойи, кутубхона, лабораториялар ва спорт мажмуалари), қулай транспорт ва коммуникация инфратузилмасининг ҳолати билан боғлиқ жараёнлар.
7	Ижтимоий кўрсаткичлар	Жамиятга таъсир (ижтимоий фаолият ва лойиҳалар), инклюзивлик ва тенглик сиёсатининг таъминланганлиги.
8	Илмий-амалий алоқалар	Таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги ҳамкорлик (ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари), стартаплар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳолати.

<sup>1</sup> Очилова Х.Н. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида олий таълим хизматларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2024, 56 б.

Бу кўрсаткичлар тизими ОТМ рақобатбардошлигини яхшилаш учун ҳар томонлама ёндашув талаб этади. Ҳар бир кўрсаткич бўйича таҳлил ва таклифлар рақобатбардошлик даражасини оширишга ёрдам беради.

Олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлаш – мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва миллий иқтисодиётда мустаҳкам ўринни эгаллаш учун стратегик аҳамиятга эга. Бунда таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш ва халқаро миқёсда рақобатбардош бўлиш учун доимий равишда маълум бир омиллар асосида таҳлиллар ўтказиш, таҳлил натижалари асосида зарурий чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Куйида олий таълим муассасалари рақобатбардошлигига оид асосий кўрсаткичларни изоҳлари келтирилди:

Маълумки, академик сифат рақобатбардошликнинг асосий пойдевори ҳисобланади. Замонавий таълим дастурлари, халқаро стандартларга мувофиқ илмий тадқиқотлар ва ўқитувчиларнинг юксак малакаси олий таълим муассасасининг халқаро майдондаги нуфузини белгилайди. Илмий-инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорлик дастурларини кенгайтириш таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Талабаларнинг ўқув жараёнидан қониқиш даражаси ва уларнинг меҳнат бозорига мослашуви олий таълим муассасасининг ижобий репутациясини шакллантиради. Таълим жараёнида амалий кўникмаларни устувор қилиш ва талабалар учун доимий қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш муҳимдир. Битирувчиларнинг нуфузли иш ўринларини эгаллаши репутацияга ижобий таъсир кўрсатади ва олий таълим муассасасининг рақобат устунлигини таъминлайди. Шу билан биргаликда, миллий ва халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш таълим муассасалари нуфузини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Халқаро илмий конференциялар ва нуфузли нашрларда иштирокни кўпайтириш репутацияга ижобий таъсир кўрсатади.

Таъкидлаш лозимки, молиявий ресурсларни диверсификация қилиш ва қўшимча хизматлар орқали даромадни ошириш таълим муассасалари барқарорлигини таъминлайди. Сертификат дастурлари, турли хил тренинглар ва халқаро грантларни жалб этиш таълим муассасаларининг молиявий имкониятларини кенгайтиришда муҳим ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида, замонавий инфратузилма ва илғор технологияларнинг мавжудлиги таълим жараёнининг самарадорлигини оширади. Электрон таълим платформалари, виртуал реаллик ва сунъий интеллект каби янги технологияларни жорий қилиш таълимнинг сифатини янги босқичга олиб чиқади.

Жамият билан алоқаларни ривожлантириш ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиш олий таълим муассасаларининг ижтимоий масъулиятини намоён қилади. Бу талабаларнинг жамоатчиликда фаол иштирок этишига ва уларнинг ижтимоий мослашувига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кучайтириш талабаларнинг амалий кўникмаларини оширишга ва уларнинг меҳнат бозорида талабгорлигини таъминлашга хизмат қилади. Амалиёт ва стажировкаларни йўлга қўйиш бу соҳадаги асосий устувор йўналиш ҳисобланади.

2-жадвал

**Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар асосида ўтказилган сўровнома натижалари<sup>1</sup>**

№	Сўровнома саволлари	Ўртача баҳо*
1	Таълим дастурларининг замонавийлиги	3.86/5
2	Илмий-тадқиқот фаолияти натижа (самара)дорлиги	3.54/5
3	Ўқитувчиларнинг малакаси	3.97/5
4	Талабаларнинг фаоллиги учун яратилган имкониятлар	3.89/5

<sup>1</sup> Тадқиқотчи томонидан ўтказилган сўровнома натижалари асосида тайёрланди.

5	Талабаларнинг меҳнат бозорига тайёргарлиги	3.68/5
6	Қўшимча қўллаб-қувватлаш	3.84/5
7	Қўшимча даромад манбалари	3.54/5
8	Грант ва стипендия имкониятлари	3.56/5
9	Миллий ва халқаро нуфуз (имидж)	3.86/5
10	Битирувчиларнинг нуфузли корхона ва ташкилотларда ишга жойлашуви	3.68/5
11	Кампус инфратузилмаси	3.72/5
12	Жамият билан алоқалар	3.59/5
13	Ижтимоий лойиҳалардаги иштироки	3.51/5
14	Ишлаб чиқариш ва таълим ҳамкорлиги	3.59/5
15	Амалиёт ва стажировкалар	3.68/5

\* 3.86/5 бу -ўртача баҳо 3.86 ва максимал балл 5 эканлигини билдиради. Яъни 5 дан 3.86 балл тўплаганлиги.

Тадқиқот натижасида Самарқанд шаҳрида жойлашган ОТМларидан 124 нафар иштирокчи (талабалар, битирувчилар ва профессор-ўқитувчилар) орасида ўтказилган сўровнома асосида жамланган натижалар қуйидаги ҳолатни юзага келтирди (2-жадвал). Натижалар мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларда келтирилиб, ўртача баҳолар асосида умумий хулоса шакллантирилди.

Жадвалда келтирилган ўртача баҳони ҳисоблаш учун ҳар бир савол бўйича респондентлар томонидан берилган жавобларнинг миқдорини уларнинг балл миқдорига кўпайтириб, кейин уларнинг умумий жамини умумий респондентлар сонига бўлиш орқали топилди.

$$O'B = \frac{\sum(J_s * ball)}{JR_s}$$

Бу ерда:  $O'B$ -ўртача балл миқдори,  $J_s$ -жавоблар миқдори ва  $JR_s$ -жами респондентлар сони

Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар бўйича ўтказилган сўровнома натижалари кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

**таълим дастурларининг замонавийлиги бўйича** жуда юқори (36.3%) ва юқори (28.2%) баҳолар таълим дастурларининг самарадорлигини тасдиқлайди. Шунга қарамай, ўртача (24.2%), паст (8%) ва жуда паст (3.3%) баҳолар таълим дастурларининг баъзи жиҳатларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли, таълим дастурларининг замонавий талабларга мос келиши учун уларни бозор талаблари билан уйғунлаштириш мақсадга мувофиқ;

**илмий тадқиқот фаолияти кўрсаткичи бўйича** жуда қониқарли (32.3%) ва қониқарли (24.2%) баҳолар умумий натижани яхши кўрсатади. Бироқ 27.4% (қониқмайман ва умуман қониқмайман) жавобларда норозилик кайфияти сезилади. Шу туфайли, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи грантлар ва ёрдам механизмларини ривожлантириш зарурати юзага келади;

**ўқитувчиларнинг малакаси бўйича** жуда юқори (40.3%) ва юқори (32.3%) баҳолар умумий қониқиш даражасининг юқорилигини кўрсатади. Аммо, олинган натижаларга кўра 8% паст ва 3,3% жуда паст кўрсаткичларни яхшилаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Шу туфайли, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш ҳамда стажировка дастурларини давом эттириш лозим;

**талабаларнинг фаоллигини ошириш бўйича яратилган имкониятлар кўрсаткичи бўйича** жуда етарли (32.3%) ва етарли (40.3%) баҳоларга кўра, жами 72.6% фоиз талабалар бу соҳани яхши деб баҳолаган. Аммо, бу борада ҳам фаолликни янада ошириш учун махсус талабалар клублари ёки лойиҳалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

**меҳнат бозорига тайёргарлик бўйича** жуда юқори (28.2%) ва юқори (32.3%) баҳолар шунга далил бўладики, битирувчиларнинг ишлаш салоҳияти яхши, лекин паст

баҳолар (15.3%)ни ҳисобга олиб, янада мустаҳкамлаш лозим. Бу борада касбий малака ва амалиёт имкониятларини кенгайтириш лозим;

**кўшимча қўллаб-қувватлаш имкониятларининг яратилганлиги бўйича** жуда қониқарли (36.3%) ва қониқарли (32.3%) натижалар мавжуд бўлса-да, 15.3% паст баҳолар бу соҳада камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса, соҳада қўшимча ёрдам дастурларини жорий этиш заруратини кўрсатмоқда;

**грант ва стипендия имкониятлари** бўйича берилган саволга респондентларнинг 24.2%и жуда кенг ва 28.2%и кенг имкониятлар мавжудлигини эътироф этишган. Аммо, 32.3% респондент ҳолатни ўртача деб баҳолашган ва бу жавоб натижаларининг энг баландини ташкил этган. Шу туфайли олий таълим муассасалари халқаро ва маҳаллий грантларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиши лозим;

**кампус инфратузилмаси** бўйича натижаларга кўра, жуда замонавий (32.3%) ва замонавий (28.2%) инфратузилма мавжуд бўлса-да, 15.3% паст баҳолар бу борада ривожланиш зарурлигини кўрсатади. Шу туфайли, олий таълим муассасалари кампусларида янги технологияларни жорий қилиш ва шарт-шароитларни янада яхшилаш чораларини кўриш заруратини юзага келтиради;

**ижтимоий лойиҳалар ва жамият билан алоқалар бўйича** жуда фаол ва фаол қатнашганлар улуши 52.5% бўлса-да, 15.2% жавоблар иштирокнинг пастлигини кўрсатмоқда. Бу эса, талабаларнинг ижтимоий лойиҳалардаги иштирокини ошириш учун рағбатлантирувчи дастурларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда.

Умуман олганда, олий таълим муассасаларининг ўртача баҳолари кўрсаткичлари 3.5-3.9 оралиғида бўлиб, улар аксарият соҳаларда “юқори” деб баҳоланган. Бироқ, грантлар, ижтимоий алоқалар ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик каби соҳаларда натижалар ўртача даражада қолмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасалари рақобатбардошлигини таъминлашда комплекс ёндашув талаб этилади. Академик сифат, талабалар билан ишлаш, молиявий барқарорлик, репутация, инфратузилма, ижтимоий фаоллик ва илмий-амалий алоқалар ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши лозим. Ушбу йўналишларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, иш олиб бориш олий таълим муассасаларининг миллий ва халқаро майдонда муваффақиятли фаолият юритишига имкон яратади.

Талабалар, битирувчилар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, таълим, тадқиқот ва талабалар фаолиятининг кўпгина соҳаларида қониқарли кўрсаткичлар мавжуд. Лекин, баъзи жабҳаларда аниқ тартибда ривожланиш чоралари кўрилса, таълим ва олий таълим муассасаси нуфузи янада юқори бўлади. Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

халқаро грантлар ва патентлаштиришни кучайтириш орқали илмий тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш;

амалиёт ва стажировкаларни кенгайтириш орқали меҳнат бозорига мослашиш учун кўпроқ имкониятлар яратиш;

турар жой ва ўқув лабораторияларини модернизация қилиш орқали кампус инфратузилмасини яхшилаш;

жамият билан ҳамкорлик ва ижтимоий лойиҳаларни рағбатлантириш орқали ижтимоий фаолликни ошириш.

Бу каби амалий ишларни ташкил қилиш таълим сифатини янада яхшилаш ва рақобатбардошликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, рақобатбардошлик кўрсаткичларини яхшилаш учун таълим муассасалари жаҳон стандартларига мос дастурларни ишлаб чиқиши, илмий тадқиқотлар сонини кўпайтириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва инфратузилмани яхшилаш, талабалар ва битирувчилар билан алоқаларни ривожлантириш, уларнинг қониқиш даражасини оширишга қаратилган чораларни кўриши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони\\lex.uz

2. Бабаназарова С.А. Таълим хизматлари самарадорлиги ва сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2022, 61 б. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи», 2020. – 260 б.

3. Kuldashv Sh.A. Ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirish. Iqtisodiyot fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya avtoreferati. – Samarqand – 2023, 59 b.

4. Очилова Х.Н. Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида олий таълим хизматларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2024, 56 б.

5. Хамидова А.А. Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Самарқанд – 2022, 61 б.

<b>Д.Гафурова</b>	<b>D.Gafurova</b>
<b>Анализ показателей конкурентоспособности высших учебных заведений</b>	<b>Analysis of indicators related to the competitiveness of higher education institutions</b>
<p><b>Аннотация:</b> В статье приведены основные показатели, отражающие конкурентоспособность высших учебных заведений, проведен опрос на основе этих показателей. По результатам опроса были разработаны предложения по повышению конкурентоспособности высших учебных заведений.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> высшее образование, модернизация, качество образования, конкурентоспособность, показатели конкурентоспособности, международные гранты, патент.</p>	<p><b>Abstract:</b> The article cited the main indicators that represent the competitiveness of higher education institutions and conducted a survey on the basis of these indicators. Based on the results of the survey, proposals have been developed to improve the competitiveness of higher education institutions.</p> <p><b>Keywords:</b> higher education, modernization, quality of education, competitiveness, competitiveness indicators, international grants, patent.</p>

**Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova** – Sh.Rashidov nomidagi SamDU dotsenti, PhD

**ЎЗБЕКISTONNING BARQAROR RIVOJLANISHIDA BILIMLAR IQTISODIYOTINING AHAMIYATI**

**Annotatsiya:** So‘nggi o‘n yilliklarda bilimlar iqtisodiyoti dunyo mamlakatlari barqaror rivojlanishining asosiy omiliga aylandi. Globallashuv, texnologik o‘zgarishlar hamda axborot va innovatsiyalarning o‘sib borayotgan rolini hisobga olgan holda, bilimlar iqtisodiyoti rivojlanishning turli jihatlariga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. O‘zbekiston iqtisodiyoti rivojlanayotgan va o‘shish salohiyatiga ega davlat sifatida ham bilim va innovatsiyalarga asoslangan modelga o‘tish zarurati oldida turibdi. Ushbu maqolada O‘zbekistonning barqaror rivojlanishi uchun bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati, shuningdek, yaqin o‘n yilliklarda mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyoti uchun asos bo‘lishi mumkin bo‘lgan asosiy yo‘nalishlar tadqiq etilgan.

**Kalit so‘zlar:** bilimlar iqtisodiyoti, innovatsiyalar, intellectual kapital, barqaror rivojlanish, sun’iy intellekt va blokcheyn texnologiyalari, innovatsion klasterlar.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.